

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

● 2006-yil ● 17-avgust ● Payshanba ● 93 (27.585) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan



МУСТАҚИЛЛИК ҚАДРИ

ОДАМЛАР КЎНГЛИДА, ОНГУ ШУУРИДА ҚАЙ ДАРАЖАДА ЮКСАЛАЁТГАНИ, ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ ВА САМАРАСИНИ ҚАШҚАДАРЕДА ЎТГАН УЧРАШУВЛАР ЧОҒИДА ЯНА БИР БОР ЧУҚУР ХИС ЭТДИК

Эрта тонгда, қуёш Қарши шаҳри узра охишта бўлаётган маҳалда поезддан тушдик. Кўзимизни қувонтирган илк манзаралар — бу темир йўл вокзалидан шаҳар ичига тортилган кенг, раvon йўл, йўл четидаги турфа хил гуллар ва янги экилган арчалар бўлди. Езувчи, шoir, журналистлардан иборат гуруҳимизни вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев ўз хонасида эмас, балки шаҳар қоқ марказидаги шоҳқўчада «қабул» қилди. Айрим ҳамкасбларимиз «хойнаҳой ҳоким қабулида бўла-миз», деган кайфиятда костюмларини кийиб, галстукларини тақиб, расмийроқ тус олиб поезддан тушишган эди. Лекин, «қабул» кўчада бўлди. Вилоят раҳбари йўл четида тўпланиб турган туманлар ҳокимларини бизга, бизни уларга таништири-ди. Ҳокимлар ҳам оддий кийин-ган, юзлари офтобдан қорайган. Катта юмушлар, катта тўй ара-



фасида турганлари учунми, бизга улар худди парвозга шайлан-баётган бургутлардек туюлди. — Қарши шаҳрида туманлардан келтирилган мева-сабзавот ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркасини ташкил этиш аниъанага айланган, — деди Н.Зайниев. — Бугун ана шундай тадбиримизнинг навбатда-гиси... У йўл четида қатор турган юк машиналарига эътиборимизни қаратди: — Бу машиналарга картошка, олма, узум, сабзавот, гўшт, ту-хум сингари маҳсулотлар юк-ланган. Буларни маҳаллаларга жўнатамиз. Маҳсулотлар 50 фоиз арзон нарҳда сотилади. Кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилади. Биласизлар-ми, — дея алоҳида таъкидлади ҳоким, — бу маҳсулотлар деҳ-қон-фермер ҳўжаликлариники. Улар мўл ҳосил олиб, саховат ҳам кўрсатишапти.

Худди шундай ярмаркани 1 июлдан 30 сентябргача Тош-кентдаги «Бешбўча» деҳқон бо-зорида ҳам ўтказаялмиз... Энг кўп маҳсулот етказиб бераёт-ган туманларимиз бу — Қасби, Яқабоб, Нишон, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз... Ҳокимнинг сўзларидан, юр-тимиздаги пишқичлик, мўл-кўлчилик, бағрикенгликдан фохр ҳиссини туйдик. Учрашувларимиз ана шундай расмиятчиликсиз, оддий ва са-мимий бошланди. Дастлаб Қар-ши шаҳрида қўшилиб, ашариб, яшанба яшил либосга бур-қаниб бормоқда. Бундан 15 йил илгариги Қарши билан бугунги Қарши ўртасида ер билан ос-монча фарқ бор десак ҳеч му-болага бўлмайди. Янги қурил-ган стадион, сув спорти саройи, спорт коллежини биринчи мар-та кўрган ижодкорлар ҳаяжон-ларини яшира олишмади. Ким-дир «бунақасини биринчи кўри-шим» деса, бошқаси «мустақил-ликнинг неъматларидан бири шу-да», дейди гуруҳларимиз.

Дарҳақиқат, мустақиллик им-кониятларини бугунги Қарши мисолида аққол кўрса бўлади. Вилоят ҳокимлиги биноси олди-даги узун бетон майдон (собик бош майдон) ўрнида бугун ям-яшил майдон, арчазор, фаво-ралар кўзни қувонтиради. Бу майдон Алишер Навоий номи-даги истироҳат боғи ва Анфите-атр майдонига улашиб кетади. Бу



ерда ҳозир катта қурилиш, обо-донлаштириш ишлари кетмоқда. Эски шаҳардаги бозор қайта қурилоқда, тарихий ёдгорлик-лар таъмирланиб, атрофи обо-донлаштирилмоқда. Кўкғумбаз номозгоҳи, Одина масжиди, Гум-бази Сандон мажмуаси, Шаҳри-сабздаги «Оқсарой» мажмуаси-ни таъмирлаш, ён-атрофини ободонлаштириш юмушлари қизгин кетмоқда. Бир пайтлар оёқости қилинган, таҳқирланган муқаддас жойлар мустақиллик шарофати билан обод этилиб, юртга, элга қайтарилмоқда. Вилоят раҳбарларининг айтишича, бу ишларнинг барчаси Юртбо-шимиз кўрсатмалари асосида амалга оширилмоқда. Қамаш, Яқабоб, Китоб ту-манлари, Шаҳрисабз шаҳрида-ги учрашувлар — шеърхонлик, мустақиллик ҳақидаги суҳбат-лар, савол-жавоблар, одамлар чехрасидаги очкичлар, қувонч, ҳаяжон — ҳамма-ҳаммаси киши-ни тўлқинлантиради, юртимиз одамлари нақадар бағрикенгли-ги, сабр-бардошли, меҳнатқаш экани, эзгу ишлар, савобли иш-лар, тинчлик-осойишталикни юксак кадрлашдан кўнгил ча-рогон бўлади. Булар-ку бизнинг таассурот-ларимиз. Ўзбекистон Қаҳрамо-ни, партиямиз фаоли Абдулла Орипов, Ўзбекистон Халқ шо-ирлари Жуманиёв Жабборов, Маҳмуд Тоирнинг гаплари, шеър-лари гулдўрос қарсақлар билан қутиб олингани, истеъдодли шо-ирлар Икром Отамурод, Сиро-жиддин Саййид, Салим Ашур, Носир Муҳаммад, Холмуҳаммад Ҳасан, Зебо Мирзаева, Янгибой Кўчқор, Рустам Муслимон шеър-лари завқ билан тингланган-ни, «Халқ сўзи» ва «Народное



Суратларда: Қарши шоҳқўчаларидан бири; ижодкорлар Шаҳрисабзда; жаҳон андазаларига жавоб берадиган янги бассейн ва 20 минг ўринли стадион.



15 МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

слова» газеталари бош муҳар-рири вазифининг бажарувчи Шуҳрат Жаббор, «Кишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳарри-ри Ўткир Раҳмат, журналистлар Михаил Сафаров, Мурод Абдулгани овозлари ва унинг имкониятлари ҳақидаги сўзла-ри диққат билан эшитилгани учрашувлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотганини ис-ботлаб турибди. Айниқса, Ки-тоб туманидаги «Муборакнеф-тгаз» унитар шўба корхона-сига қарашли болалар со-ғломлаштириш оромгоҳидаги учрашув чоғидаги самимият, беғуборлик, болаларнинг эҳ-ни, билимдонлиги ҳаммамиз-ни ҳаяжонга солди, болалиги-миз ёдга тушди. Ҳатто Абдул-ла Орипов болаларга қўшилиб кетди, суҳбатлашди, бири би-ридан қизиқари, қутилмаган саволларга жавоб берди, даст-хатлар ёзди, суратга тушди... Болалар сеvimли шоирлари Аб-дулла Ориповни ўз кўзлари би-лан кўрганлари, суҳбатлашган-ларидан бошлари осмонда эди. Абдулла аканинг қувончи бун-дан-да юқори эди. Сафардан қайтаётиб поез-да Жуманиёв Жабборовдан сўрдим: — Учрашувлар чоғида сизга энг таъсир этган, сизни қувон-тирган нарсани айтмиз? — Мустақиллик моҳиятини, қадрини одамлар тобора кенг-роқ тушуниб бораётгани, бу байрам ҳақиқатан ҳам энг азиз, энг улуг байрам эканини ҳис қилаётганлари, — дея жа-воб берди у. Шу саволга ЎзХДП фаоли Маҳмуд Тоир жавоби бундай бўлди: — Қаршига ўн йилча илгари келгандим, унинг бугунги қиёфасини кўриб лол қолдим. Мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгиликларни, мустақиллик кудратини кўра-ман деган хорижлик меҳмонга ҳеч иккиланмай Қаршини кўрсатиш мумкин. Мамлакатимиз мустақилли-гининг 15 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Езувчилар уюшма-си ва вилоят ҳокимлиги ҳам-корлигида уюштирилган бу учрашувлардан олган таассурот-тимиз, сабогимиз, хулосамиз шунки — жойларда бўлаётган ўзгаришлар — ер ўзгасига бе-рилаётгани, қадриятлар тикла-наётгани, шаҳару қишлоқлар обод бўлаётгани одамлар мус-тақиллик қадрини тобора чуқур-роқ ҳис этаётгани, эртанги кун-га ишончи тобора ошиб бораёт-ганини кўрсатмоқда.

Сафар ОСТОНОВ

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

СОЧИ, 16 август (ЎзА ма-сус муҳбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Евроосиё иқтисодий ҳамжи-яти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳри-да норасмий учрашуга йиғил-дилар. Унда Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Ислom Каримов, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Арманистон Республикаси Пре-зиденти Роберт Кочарян, Бела-рус Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғис-тон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизис-тон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ҳамда куза-туви сифатида Украина Бош вази-ри Виктор Янукович иштирок этди.

Учрашувда Евроосиё иқтисо-дий ҳамжиаяти доирасида Божхона иттифоқини тўзишга оид масала асосий муҳокама мавзуси бўлди. Томонлар ҳам-жиаятини ривожлантириш йўллари юзасидан фикр алмаш-дилар.

Саммитда, шунингдек, ҳам-жиаятининг умумий энергетика бозорини ҳамкорликка оид масалаларни ҳам муҳокама қил-дилар. Евроосиё иқтисодий ҳам-жиаяти Бош котиби Григорий Рапова ва Коллектив хавф-сизлик шартномаси ташкилоти

Бош котиби Николай Бордюжа-нинг ҳисоботлари тингланди.

Учрашув якунида ўтказилган матбуот анжуманида музокара-да, аввало, Божхона иттифоқи-нинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилгани маълум қилинди. Бу борада аъзо давлат-ларда қўрилаётган тайёргарлик ишлари сарҳисоб этилди. Қайд қилингандек, томонлар умумий энергетика бозорини шакллантириш борасида ҳам-фикр. Хусусан, атом энергетика-сини ривожлантиришда, Мар-казий Осиёда сув ресурслари-дан унумли фойдаланишда ҳам-корлик масалалари кўриб чиқил-ган. Маълумки, сувдан фойдала-ниш масаласи «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти доираси-да муҳокама қилинган эди. Таш-килотнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжиаяти билан қўшилиши қўрилаётган масалага янада кенгроқ қўлама ёндашиш им-конини берди.

Сочи учрашувидан Божхона ит-тифоқини тўзиш гоёси амалиётга қўнган маълум қилинди. Ҳозир-ча бу иттифоқ Россия, Беларусь ва Қозоғистон ўртасида амал қилади. Ҳамжиаятга аъзо бошқа давлатлар ўз қончилигини Бож-хона иттифоқига мослаштирган-дан сўнг унга қўшилиши.

Музокарада Евроосиё иқтисо-дий ҳамжиаяти билан Коллек-тив хавфсизлик шартномаси таш-килоти ўртасидаги ҳамкорлик ма-саласига алоҳида эътибор қара-тилди. Бу икки тўзимнинг Минск-да ўтган аввалги саммити чоғи-да Ўзбекистон Коллектив хавф-сизлик шартномаси ташкилоти-даги фаолиятини давом эттири-

ши эълон қилинган эди. Сочи учрашувидан Президентлар Ўзе-бекистоннинг мазкур ташкилотга аъзолигини расман тасдиқловчи ҳужжатни имзоладилар.

Мамлакатимиз раҳбари Ислom Каримов хавфсизликни таъмин-ламай иқтисодий, давлат-лараро интеграция жараёнлари-ни ривожлантириш қийинлигини ва Евроосиё иқтисодий ҳамжа-мияти билан Коллектив хавфсиз-лик шартномаси ташкилоти бир-бирини тўлдирувчи тузилмалар эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ўз қароргоҳида Украина Бош вази-ри Виктор Януковични қабул қил-ди. Суҳбат чоғида икки томонла-ма савдо-иқтисодий муносабат-ларга доир масалалар муҳокама қилинди. Томонлар Савдо-иқти-содий ҳамкорлик бўйича ҳуқуқма-лараро қўшма комиссиянинг мажлисини ўтказишга, нефть-газ саноти соҳасида ҳамкорлики кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислom Каримов ва Виктор Яну-кович Ўзбекистон билан Украина қўлаб соҳаларда самарали ҳам-корлик қилиш учун катта имко-ниятларга эга эканлигини таъ-кидладилар. Масалан, Украина-нинг Ўзбекистондаги нефть-газ қонларини тадқиқ этишга қизи-қиши бор. Томонлар сармовий ҳамкорликдан ҳам манфаатдор.

Президентларнинг мазкур но-расмий учрашувини Евроосиё иқти-содий ҳамжиаяти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташки-лотига аъзо мамлакатлар ўрта-сидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик па-латасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси муҳокамасига кири-тиладиган мўлжалланган қатор қонунлар лойиҳалари кўриб чи-қилди.

Дастлаб биринчи ўқишда ки-ритилаётган «2001 йил 31 май-да Минскда имзоланган Евро-осиё иқтисодий ҳамжиаяти-нинг имтиёзлари ва имунитет-лари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Конвенция Евроосиё иқтисо-дий ҳамжиаятини таъсис этиш тўғрисидаги Шартномага муво-фиқ ишлаб чиқилган бўлиб,

унга биноан Евроосиё иқтисодий ҳамжиаяти ва унинг раҳбарла-ри ўз вазифаларини бажариш-лари ҳамда қўйилган мақсадлар-га эришишлари учун зарур им-тиёзлар, имунитетлардан фой-даландилар. Умуман, Конвенция халқаро ҳуқуққа мувофиқ дипло-матик ваколатхоналар ва дипло-матларга берилган имтиёз ва им-мунитетлардан Евроосиё иқтисо-дий ҳамжиаяти органлари ҳамда унинг раҳбарлари ҳам фойдаланишига имкон яратишга қаратилган.

Кун тартибидан «1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқти-содий ҳудуд тўғрисидаги Шарт-номага Ўзбекистон Республика-сининг қўшилиши ҳақида»ги (би-

ринчи ўқиш) қонун лойиҳаси му-ҳокамаси ўрин олди.

Мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжиаятига қўши-лиш муносабати билан Ҳамжа-мият доирасидаги 74 та халқаро шартномага 3 бокчида қўшилиш режалаштирилмоқда.

Депутатлар биринчи ўқишда киритилаётган «2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжиая-тига аъзо давлатларнинг ташки чегараларини кўриқлашда ҳам-корлик қилиш тўғрисидаги Шарт-номага Ўзбекистон Республика-сининг қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

МУСТАҚИЛЛИК ОРЗУСИ ИСТИҚЛОЛ АРАФАСИДАГИ ТАШРИФ

БУНДАН РОППА-РОСА ҲАМ БИШ ЙИЛ МУҚАДДАМ 1991 ЙИЛ 17-19 АВГУСТ КУНЛАРИ ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ИЛК РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛГАН ЭДИ

Бу ҳақиқатан ҳам, тарихий ташриф эди. Ўзе-бекистон тарихида мисли қўрилмаган, ас-рлар бўйи оруз қилиб келинган оламшумул воқеа эди. Президентимизнинг хорижий давлатга би-ринчи расмий ташрифи самарали бўлиши ма-макатимиз келажакдаги унун ҳам жуда муҳим эди. Ташрифининг аҳамиятли жиҳатларидан яна бир то-мони шунда эдики, ўша пайтда шўро давлатидаги ҳали бирор-бир республика раҳбари орақ ютиб, ўз халқининг номидан хорижга расмий ташриф билан чиқиб у ёқда турсин, мустақиллик сари аниқ бирор қадам ташламаган эди.

Шак-шубҳасиз кўпчилик аксарият Совет давлат-ининг чексиз қуч-қудратига ишонар, унинг тез кунлар ичида ич-ичидан чириб кетган кекса чи-кордек кулашини хаёлларида ҳам келтиришмас-ди. Барча республикалар янги иттифоқ Шартно-масини имзолашга тайёргарлик кўриш билан банд эди.

Ана шундай жуда қалтис кунларда узоқни кўра билиб, дилидаги ниятини рўёбга чиқариш учун дадил ҳаракат бoshлаган Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов эди. Ҳатто, биз журналистлар ҳам бу сўзларини ўша кунларда очик айтишга журъат қилолмаган эдик.

Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов бош-лиқ ҳукумат делегациясининг Ҳиндистонга рас-мий ташрифи қутилганидан ҳам самарали бўлди. Бу тарихий ташрифининг қувонарли томонларидан яна бири шунда эдики, Ўзбекистон Президентини Ҳиндистон томони нуфузли хорижий давлатнинг тан олинган раҳбари сифатида олий даражада қабул қилди.

...Делегацияга тушган «Ту-154» самолёти Тош-кентдан Дехлига бирпасда, яъни, икки ярим со-атда етиб келди. Олдиндан мўлжаллангандек Дехли вақти билан роппа-роса 9.00 да самолёт ерга оҳиста қўнди.

Президентимиз Ислom Каримов самолёт пилла-поясидан тушиши биланқўнлаб журналистлар қур-шовида қолди. Хорижлик ҳамкасблар Ўзбекистон Президенти билан яқиндан танишиш, унинг хорижга қилган илк ташрифидан кўзланган мақсадни би-лиш учун савол устига савол беришарди...

Президентимизнинг жавоблари асосли ва лўнда бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон матбуоти учун берган баёнотида ўзбек-ҳинд халқларини узоқ йиллардан буён дўстлик, яхши қўнчилик ва ҳам-корлик ришталари боғлаб турганлигини алоҳида таъкидлаб, шундай деди: «Бизнинг Ҳиндистон-га келишимиз аввало Ўзбек халқининг қадим-ги маърифатга, кўп асрлик тарихга ва жуда бой маданиятга эга бўлган хинд халқига ул-кан эҳтирмининг намоён бўлишини билди-ради. Ўзбек халқи ўзининг буюк қўншини бил-ан янада мустаҳкам алоқалар ўрнатишга ин-тилоқда. Тарихимиз муштараклиги, мада-ниятимизнинг яқинлиги, халқларимизнинг кўп асрлик алоқалари шундай мустаҳкам пойде-ворки, унда биз Ҳиндистон Республикаси бил-ан Ўзбекистон Республикаси ўртасида си-фат жиҳатидан янги муносабатларни қури-шимиз мумкин...»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳин-дистонга ташрифи даврида муҳим қароргоҳи бўлган Ҳайдаробод чинакам тарихий жойга ай-ланди.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг рафиқасини, делегациянинг барча аъ-золарини катта эҳтиром билан қутиб олишди. Бўй-ларига ановий гуллардан гулчамбарлар тақшиди. Аниъанага кўра меҳмонлар ҳурматини баҳо кел-тиришди.


Шу куннинг ўзидек олий даражадаги учрашув-лар бўлиб ўтди. Президентимиз Ислom Каримов-нинг Ҳиндистон Бош вазири П.В.Нарасимха Рао ва Вице-Президент Шанкар Дайял Шарма билан учрашуви муҳим воқеа бўлди. Самимий вазиятда ўтган суҳбатлар чоғида Ҳиндистон билан Ўзе-бекистон ўртасида ҳар томонлама алоқалар ва ҳамкор-ликини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш ке-раклиги алоҳида таъкидланди. Икки халқнинг дўстлик ришталари, азалий тарихий ва маданий муштараклиги, ўзаро муносабатлари илдизлари қадим-қадимларга бориб тақалиши, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида сифат жиҳатдан янги му-носабатлар ўрнатилиши катта аҳамиятга эга экан-лиги бир неча бор тилга олинди.

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

O'ZSANOATQURILISHBANK SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ! Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26 www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKORI Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74 WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун! «ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР



● Мустақиллик орзуси

уни ривожлантиришга доир тадбирлар мажмуи режалаштирилди. Ўзбекистон раҳбари Дехли яқинидаги иқтисодий шаҳарча — «Нойда» эркин экспорт-ишлаб чиқариш минтақасига борди. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бу эркин иқтисодий минтақада 4 мингтадан кўпроқ турли-туман корхоналар ишлаб турганлигини билиб олди. Бу бутун Осиёдаги энг йирик иқтисодий мажмуадир. Ўзбекистон Президенти «Нойда»даги қатор корхоналар фаолиятини кўрди, маъмурият вакиллари, ишчилар билан суҳбатлашди, кўргазмага қўйилган энгил санаят моллари ҳамда замонавий тиббиёт доридармонлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси билан Ҳиндистоннинг со-

лаган эди. Ярим соатлардан сўнг самолётимиз пастлай бошлади. Булутлар орасига қўшдай шўнған самолётимиз ойналарига ёмғир томчилари уриди. Самолёт Агранинг кичкина ҳарбий аэродромига оқиста қўнди.

Барчамизнинг орзу-умидимиз оламга таратган бобурийзода Шохжаҳон бунёд этган дунёдаги энг мўъжизанинг бири Тож Маҳални зиёрат қилиш эди. Ҳиндистонга ташриф буюрган ҳар бири киши муқаддас шар жойга қадам ранжида қилади.

Бунгача Ўзбекистон ҳукумат делегацияси аъзолари Дехлидаги шохларнинг қадимий қароғоғи Лаъль Қалъа, Қутб Мирнодаги гўзал обидаларни бориб кўрган эдилар. Аммо Тож Маҳал батамом бошқа эди. Айниқса, Ҳиндистоннинг қадимий пойтахти Аграда, Жамна дарёси соҳилида жойлашган Тож Маҳал мақбараси ва унинг атрофидаги ёдгорликларни ҳеч нарса қўлиб қўймайди. Бу тенгсиз гўзал обидаларни кўриш учун ҳар кун дунёнинг турли бурчакларидан минглаб одамлар Аграда келишади. Оқ мраммдан бунёд этилиб, «Дунё марвариди» деб ном олган бу мақбарани кўришни биз ҳам орзу қилиб юрардик. Ана шу ниятимиз ушларди. Ёмғир шовуллаб ёйиб туришига қарамай, аждодларимиз қўли билан барпо қилинган ёдгорликларни чексиз меҳр билан зиёрат қилдик.

Ўзбекистонлик меҳмонларга, Президентимизга алоҳида эҳтиром билдиришиб, Тож Маҳалнинг бошқа зиёратчиларга намойиш қилинмайдиган энг ноёб жойларини ҳам кўрсатишди.

Одатда Тож Маҳалнинг ичкариларига видеокамера ва фотоаппарат билан кириш мазън этилади. Шохжаҳон ва Мумтоз бегимнинг ҳарамий ҳисобланган абадий оромгоҳи суратга олиш мумкин эмас. Фақат Президентимизга ҳамроҳлик қилаётган ўзбекистонлик тележурналистлар бу қондан мустақилол қилинди. Улар видеокамера билан Тож Маҳалнинг ичкарига киришиб, ноёб лавҳаларни суратга олишга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исло Каримов ёдгорлик мажмуаси маъмуриятига буюк бобомиз Мир Алишер Навоий сурати ақ эттирилган чинни лагани соғва қилди ва меҳмонларнинг хотира китобига қўйидаги сўзларни ёзиб қолдириди: «Инсон қўли билан яратилган бу бекӣёс бунёдкорликни кўриб, лол қолмасликнинг иложи йўқ. Тож Маҳалнинг улугворлигига таҳсин ўқиб, ўзаро ҳамкорлик, маданий алоқалар биз учун нақадар кераклигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади киши».

Бу ажойиб ёдгорликнинг ижодкорлари олдида таъзим қилмоқ, уни асраш билан бирга жаҳон халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамламоқ учун қўлимиздан келган ҳамма ишни бажарганимиз лозим.

Ўзбекистон Ҷумҳурияти Президенти Исло Каримов 1991 йил 19 август.

Биз Аграда Тож Маҳални зиёрат қилиб бўлиб, кўнглимиз янада ёришиб, эндигина меҳмонхонага кетишга чоғланган бир пайтимизда тўсатдан юртимизга зўлик билан қайтишимизга тўғри келди. Ушанда биз Совет Иттифоқида ҳукуматни вақтинча ГКЧП қўлга олганлиги, Москвада нима воқеалар юз бераётгани, собиқ КПССтинг бош қотиби М.С.Горбачев Қримда дам олаётган жойида махсус кучлар томонидан ўраб олиниб, дунё билан алоқадан узиб қўйилганини билмасдик. Москвада юз берган воқеалар ҳақида Совет Иттифокнинг Ҳиндистондаги элчисига махсус ахборот юборилган экан. Элчи эса Президентимизнинг Аградадаги сафарига ҳамроҳлик қилаётган эди.

Бу қутилмаган, тахликали воқеа оқибати нима билан туғайи номаълум бўлган бир пайтда табиғий ҳаммамиз, бутун халқимиз Президентимиз муносабатини қутарди. Хали самолётдаёқ Ўртабосимиз ўзига хос қатъият билан «Биз ўзимиз танлаган йўлдан асло қайтмаймиз. Олий мақсадимиз — Мустақиллик», деди.

Ўртабосимиз ўзининг қатъияти ва асл орзу-ниятини амалда намойён этиб, Ҳиндистон сафаридан ўн кун ўтгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат Муқтақиллигини эълон қилди. Бу Президентимизнинг энг улуг, энг катта ва оламшумул, жасорати эди.

Муқтақиллик арафасида амалга оширилган ўша тарихий ташрифга бугун 15 йил бўлаяпти. Ўзбекистон Президентининг бу мамлакатта илк ташрифий узоқни кўзлаб қилинган, йўлбошчимизнинг улуг нияти рўёбга чиққанлигини бугун амалда яққол кўриб турибмиз. Кейинги йилларда таълим соҳаси, нефть ва газ саноати, энгил санаят, қишлоқ хўжалиги йўналишларида ўзаро ҳамкорлик, сайёҳликни ривожлантиришдаги ишлар давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни йил сайин янги босқичга кўтармоқда.

Йиллар ўтади, Ҳиндистон билан ҳамкорлигимиз янада ривожланади, юксалади. Ўртабосимизнинг 1991 йил 17-19 август кунлари ҳинд дёвирига қилган илк расмий ташрифий эса Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик ва ҳамкорлигининг янги тарихини бошлаб берган ташриф, истиқлол сари ташланган муҳим қадам сифатида тобора қадрили бўлиб, аҳамияти ошиб бораверади.

Жаббор РАЗЗОҚОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ, ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ, БУЮК ИМКОНИЯТ!

Ўзининг узоқ ўтмишига эга бўлган ўзбек халқи Муқтақиллик деб номланган улуг неъматга эришиш йўлида жуда кўп тарихий жараёнларни бошидан кечирди. Бу ҳақда катта-катта асарлар яратилган, бугунги кунда ҳам кўплаб тадқиқотлар қилинмоқда. Биз тарихчилар касбимиздан келиб чиқиб, ўз имамий ишларимизда, амалий фаолиятимизда ўтмишимизни тўғри аққ эйтиришга чоғланганмиз.

Кечаги кунимизни бир эслалик. Муқтақиллик тузум сиёсати остида халқимиз нафақат маънавий қадриятларидан, ҳатто ўз тарихидан ҳам жудо қилинган эди. Ота-боболаримизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари, илмий дунёвий ҳамда диний қарашлари эвазига юзага келган ноқулай ҳолатлар, ўтмишимиз битилган китоблар қилиб, тарихимизни камситиб келган муқтақиллик тузум мафқураси таъйини остида ёзилган сохта дарсликлар турли қўлланмалардан ўрганишга мажбур эдик. Янаям ачинарлики, асл тарихимиз ўрнига ана шу сохта алдовларни ўз тарихимиз деб тан олишга мажбур эдик. Ўтмиш-

даги буюк шахслар, инсоният тараққиётига ҳисса қўшган машҳур алломаларимиз ҳақида фақат афсона ва ривоятлар эшитиб яшаган даврларни ҳам бошдан кечирдик.

Шу боис ҳам истиқлол биз тарихчи олимлар олдида давлатчилик тарихимизни, халқимизнинг аққ кечмишини ҳаққоний ёритувчи, ўзлиги ва маънавий салоҳиятини тегар ифодалаб берувчи илмий изланишлар қилиш, тадқиқотлар яратиш заруратини қўйди. Ва бугун бу йўлда астойдил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Кувонч билан айта оламизки, Муқтақиллик — халқимизга ўзлигини англаш, ўз-ўзини муқтақил бошқариш, дунё ҳамжамиятида тенглр ичра тенг яшаш ҳуқуқини берди. Бу тарихий ютуқ нашидаси ҳаётимизнинг, турмуш тарзи-мизнинг янги йўналишига йўл очиб берди. Муқтақилликка эришган Ўзбекистон халқи истиқлол бунёдкори — муқтақил Президентимизини бошчилигида қисқа даврда кўп соҳаларда асрларга тенг тарихий ютуқларга эришди.

Бугунги кунда барча қилинган ишлар натижаси кўз ўнги-

мизда намойён бўлиб, ўзининг бор буй-бастини кўрсатиб турибди. Мамлакатимизнинг қайси гўшасига борманг, яратувчилик, бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Қадимий Самарқанду Қаршида, Термизу Жиззахда, Гулистону Фарғонада, Навоий, Бухоро, Урганч, Нукус ва Хивада, Андижону Наманганда, қўйингки барча шаҳару туманларда янгидан қад кўтарган бинолар, мактаблар, коллежлар, спорт иншоотлари, равон йўллар, кўприкларни кўрасиз. Уларни санаб саногога етолмайсан киши.

Бу бекӣёс ўзгаришларни ўтмиш билан қиёслаб, ундан хулосалар чиқариш, кечаги кун сабоқларини келажак тараққиёти йўлида ўзига хос дастурга айлантириш масъулияти эса бугун ҳар биримизни ота-боболаримиз эътиқод қилган ҳаётий ўғитларга амал қилиб яшашига ундайди. Бу ўғит — ўзлигини унутмаслик, қимлигимизни, нималарга қодирлигимизни намойён қилиб яшаш, бир сўз билан айтганда, аждодларга муносиб бўлишдир.

Маъруф РАҲИМОВ, тарих фанлари номзоди, доцент

(Давоми. Боши 1-бетда)

Илк ташриф чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистон раҳбарлари икки муҳим ҳужжат: иқтисодий, савдо ва илмий-техника ҳамкорлигига доир битимга, шу-нингдек, маданият, санъат, таълим, илм-фан, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида битимга имзо чекдилар.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги энг муҳим соҳалар бўйича имзоланган ана шу иккита тарихий битимнинг яна бир ўзига хос томони шунда эдики, улар ҳинд, инглиз, рус тили билан биргаликда биринчи марта ўзбек тилида ҳам битилди.


— Бу битимларнинг тарихий аҳамияти ва моҳияти уларнинг аниқ мазмунидан анча четга чиқмади, халқорой майдондаги мустаҳкам ҳамжиҳатликнинг турли соҳаларда кўп томонлама ҳамкорлигини янги мазмун билан бойитиш, деган эди Исло Каримов ҳужжатларни тантанали имзолаш маросимида. Бугун Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги бевосита икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг янги босқичига асос солинди, халқларимиз иқтисодий ва ақл-зиё салоҳиятини бирлаштириш учун дастлабки пойдевор қўйилди.

Эришилган битимлар фақат савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизни кенгайтиришгагина хизмат қилиб қолмай, шу билан бирга бу ишда янгица йўл тутиш, ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатга эришиш имкониятини таъминлайди, деб умид қиламиз.

Ҳинд халқининг асл фарзандлари хотирасини эслаш ҳам қарз, ҳам фарз эди. Ўзбекистон Республикаси Президентини

даражада кўрсатилаётган илтифотга синчковлик билан разм солардик. Зиё-фатда Дайал Шарма нутқ сўзлади:

— Президент Каримов кўзга кўринган сиёсий раҳбарлардан бири бўлиш билан бир қаторда таниқли иқтисодчи ва муҳандис сифатида бизга яхши таниш, — деди Вице-Президент. — У Ҳиндистоннинг дўсти. Биз унинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сифатида ўзининг биринчи расмий чет эл сафарини



Ҳиндистондан бошлашга қарор қилганини юксак баҳолаймиз. Ўзбекистон дега-нинида бутун Урта Осиё халқларининг Ҳиндистон билан кўп асрлик тарихий, маданий ва иқтисодий алоқалари намойён бўлади. Яқинда ўтказилган археологик қазилмалар шунини кўрсатадики, қадим замонларда ва ўрта асрларда Урта Осиё ва Ҳиндистон халқларининг турмуш тарзи умумийлик билан сўғорилган.

биқ Бош вазири, фожиаки ҳалок бўлган Ражив Ганди хонадонига ташриф буюрди ва унинг рафиқаси Сони Гандига таъ-зия изҳор қилди.

— Ўзбек халқининг дўсти бўлган Ражив Гандининг порлок хотираси ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди, — деди Ўзбекистон Президенти. — У ҳинд халқи учун қандай қадри бўлган бўлса, биз учун ҳам шундай қадридир.

ИСТИҚЛОЛ АРАФАСИДАГИ ТАШРИФ

БУНДАН РОППА-РОСА ЎН БЕШ ЙИЛ МУҚАДДАМ 1991 ЙИЛ 17-19 АВГУСТ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ИЛК РАСМИЙ ТАШРИФИ БИЛАН ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛГАН ЭДИ

Исло Каримов бошлиқ делегация аъзолари Дехлининг энг муқаддас жойларига ташриф буюришди. Дастлаб Ҳиндистон халқи миллий-озодлик ҳаракати раҳбари Махата Ганди тани оловга топширилган жой «Ғажват»да бўлиши ва ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди. Хотира китобига қўйидаги сўзлар ёзиб қолдирилди: «Ҳинд халқининг буюк фарзанди, Ҳиндистон озодлиги учун кураш раҳбари Махата Ганди хотирасига аса-миний ҳурмат билан

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исло Каримов». Ўзбекистон Республикаси Президентини Ҳиндистон муқтақиллиги учун толмас курашчи ва шу мамлакатнинг биринчи Бош вазири бўлган Жаҳоҳарлаб Неру хотирасини ҳам эсга олиб гулчамбар қўйди.

Исло Каримов делегация аъзолари билан бирга ана шу буюк сиймолар иш-чининг изчил давомини, тарихда тинчликни сақлаш учун толмас курашчилардан бири, ўзбек халқининг чинакам дўсти, террорчилар томонидан уюштирилган суиқасд натижасида ҳалок бўлган Ражив Ганди танаси оловда куйдирилган «Шак-тист-хал»да ҳам бўлиб, гулчамбарлар қўйди.

Дехли Президент саройи миллий усу-лубда барпо этилган энг гўзал, тарихий ва ноёб меъморчилик обидаларидан бири. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президентини Исло Каримов билан Ҳиндистон Президенти Р.Венкатараман ўрта-сида дўстона суҳбат бўлди. Суҳбатда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилди.

Ҳиндистон Вице-Президенти Шанкар Дайал Шарма бу ерга расмий ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига катта эътиф берди.

Зиёфат бошланишидан олдин Вице-Президент бу ерга тақлиф этилган Ҳиндистон ҳукумати аъзоларини, таниқли ти-жоратчи-ишбилармонларни, банкир ва бизнесменларни Ўзбекистон Президенти-га таништирди. Ўз навбатида Исло Каримов ҳам зиёфатга ташриф буюрган Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида тузилган битимларни амалга ошириш йўллари ва усулларини муҳокама қилди-лар. Битимларда барқарор ва узоқ му-датли иқтисодий, савдо ва илмий-тех-никавий ҳамкорликка қўмақлашиш ҳамда

Ўзбекистон жанубида жойлашган қадимий шаҳар Далварзинтепа майдонида археологлар тила буюмларини топиш-ди. Уларнинг ичида ҳинд заргарлигининг намуналари борлиги ҳаммамизга маъ-лум. Ана шу ерда милондинг I асрига мансуб бўлган Будда эҳромининг очил-иши, II-IV асрларга мансуб бўлган Қо-ратепа қазилмаларида топилган Будда тасвирлари Урта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги ақин алоқаларни яққол кўрсати-б туради.

Урта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида-ги адабий ва маданий алоқалар, — деди Шарма сўзюзида давом этиб, — Урта аср-ларда янада кучайган. Ҳиндистонда ўзла-рининг тарихий бунёдкорлик ишлари, дав-латни моҳирона бошқариш санъати билан ёрқин из қолдирган сулолага Ўзбеки-стоннинг Фарғона водийсидан келган Бо-бур асос солган. У ўзининг ўлмас асари «Бобурнома»да Урта Осиё ва Ҳиндистон-нинг иқтисодий ҳаёти, анъаналари ва та-риҳини чуқур ёритиб беради. Бобурийлар даврида Ҳиндистонда форс тилида ёзилган тарихий асарларда Урта Осиё та-риҳи мактабининг таъсири ва анъаналари кўриниб туради. Бу сулола иккала то-мон учун бир-бирининг анъаналари, тил-лари, қийим-кечакларини қабул қилиш билан ўзаро бойитиш имкониятини ярат-ган. Тошкентда Лаъль Баҳоидир Шастри но-мини эъзозлашади. Унинг номи билан бо-лиқ кўча ва мактаблар бор. Хуллас, икки халқнинг ҳар жаҳада боғланган дўстлиги мустаҳкамдир.

Расмий ташриф чоғида Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан яхшилаш, бунинг учун кўплаб қўшма корхоналар ташкил этиш, ишбилармонларни, бизнесменлар-ни жалб қилишга жиддий эътибор бе-рилди. Ҳиндистон савдо-саноат доира-ларининг намояндалари билан суҳбат-лар, дўстлик жамияти вакиллари билан учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Исло Каримовнинг Дехли-да бўлган уч кунлик ташрифий иккинчи кунининг асосий дастури бўлди.

Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерациясида ҳамда бу ерда ўтказил-ган муфассал суҳбат чоғида томонлар Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида тузилган битимларни амалга ошириш йўллари ва усулларини муҳокама қилди-лар. Битимларда барқарор ва узоқ му-датли иқтисодий, савдо ва илмий-тех-никавий ҳамкорликка қўмақлашиш ҳамда

Сони Ганди марҳум Ражив Ганди хо-тирасини ҳурмат қилиб, ташриф буюр-ганликларини учун Ўзбекистон Республика-си Президентини Исло Каримовга ва унинг рафиқасига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Дехлидаги фан ва маданият уйида дўстлик жамияти фаоллари билан учра-шув бўлди.

Учрашув олдида Исло Каримовни кўплаб, энг азиз меҳмон сифатида бўйи-ча гулчамбарлар тақиб қўйдилар. Жаҳон Тинчлик кенгашининг фахрий Президенти жаноб Ромеш Чандра байрам кечаси-ни оча туриб, меҳмонларни қизгин қут-лади ҳамда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик алоқаларини яна-да ривожлантиришга даъват этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исло Каримов дўстлик жамиятлари фаоллари ҳузурда нутқ сўзлади. Сўнгра ўзбекистонлик санъат усталари катта концерт беришди. Йигилганлар ўзбек санъаткорларининг сеҳрли қўшиқ ва рақс-ларини қарасаклар билан олқушладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳиндистонга ташрифий барча оммавий ахборот воситаларининг диқ-қат марказида бўлди. Ҳиндистоннинг энг йирик нашрлари қабул қилинган ҳужжат-ларнинг аҳамиятига юксак баҳо берди-лар.

Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Ҳиндистонга ташрифий яқунлари юзаси-дан матбуот учун қўшма ахборот эълон қилинди. Унда иккала томоннинг Ўзбеки-стон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстликини мустаҳкамлаш, тарихий алоқаларини ва ҳамкорликни ривожлантириш, кенгайтириш истаги алоҳида таъкидлан-ди. Шунга биноан иккала томон турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкор-ликка янги омил башх этишга аҳдлашдилар.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон Вице-Президенти билан Бош вазири-ни ўзлари учун қулай вақтда Ўзбекистонга тақлиф этди. Тақлиф миннатдорчилик билан қабул этилди.

19 август кунини эрталаб Палам аэро-порти яна журналистлар билан гавжум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон Президенти Исло Каримов ва у бошлиқ делегация-ни тантанали кузатиш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти тушган самолёт-лар, Ҳиндистоннинг кўна шаҳарларидан бири, бобурийлар сулоласи пойтахти бўлган Агра томон йўл олди. Осмонни қалин булут қоп-

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур Шартнома Белорусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Қонғия Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси томонидан имзо-ланган. Шартномани имзолаш-да томонлар Евроосиё иқти-содий ҳамжамиятига аъзо дав-латларнинг хавфсизлигини таъминлашдаги манфаатлари-дан ҳамда ташқари чегаралар-ни кўриқлашда ҳамкорлик қилиш талабларидан келиб чиққанлар.

Депутатлар яна бир муҳим ҳужжат — «2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзо-ланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгар-тишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (2006 йил 15 июнь, Шанхай) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойи-ҳасини ҳам муҳокама қилди-лар.

Мамлакатимизнинг халқорой алоқалари билан бевосита боғлиқ бўлган ушбу қонунлар лойиҳаларни хусусида парла-мент қўйи палатасининг Халқ-аро ишлар ва парламентларо-ой алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари Латиф Фуломов, қўмида аъзолари Улугбек Жал-менов, Сарвар Абдуллаевлар ахборот бердилар. Муҳокама-лардан сўнг фракция аъзола-ри ушбу ҳужжатларни бир

овоздан маъқуллашга келишиб олдилар.

Йиғилишда «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбеки-стон Республикаси Қонғияга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди. Бу ҳақда фракция раи-сининг ўринбосари Анатолий Козлов тушунтириш берди.

Фракция йиғилишида дастлаб биринчи ўқишда қабул қилишга киритилаётган «Молия-иқтисо-дий, солиқ соҳасидаги жиной-атларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кура-шишнинг кучайтирилганлиги му-носабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ко-нунчилик ва суд-ҳуқуқ масала-лари қўмитаси аъзоси Фаҳрид-дин Ражабов ҳамда Бюджет ва иқтисодий ишлар қўмитаси аъзоси Шарқат Абдуллаева депутатларга тушунтириш бе-ришди.

Шунингдек, фракция йиғи-лишида яна бир муҳим ҳуж-жат — «Қонунлар лойиҳалари-ни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қо-нунчилик ва суд-ҳуқуқ масала-лари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоиловнинг ах-бороти тингланди.


Муҳокамадан сўнг қун тар-тибидида масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари бел-гилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛМОҚДА

«Ўзавтойўл» давлат акция-дорлик компанияси «Фарғона-автотўйўл» йўл қурилиш ҳудудий шўба ташкилоти ҳам муқта-қиллик йилларида улкан иш-ларни амалга оширмоқда. Фар-ғоналик йўлсозлар мамлакат миқёсида йирик объектлар хисобланувчи «Бойсун — Қум-қўрган — Тошгузар — Фузор» йўналишидаги темирйўл, Са-марқанд вилояти магистрал автомобиль йўли, «Тошкент — Чорбоб» йўналишидаги ав-томобиль йўлидаги кўприк, Сир-дарё ва Жиззах вилоятларида бунёд этилаётган кўприклар қурилишларида фаол иштирок этмоқда.

— Ўтган 6 ой давомида ре-жада кўрсатилган 58,5 км. ўрнига 68,1 км. йўлда тазмир-



лаш ва сақлаш ишларини ба-жариб, фойдаланишга топшир-дик, — дейди «Фарғонаавтотўй-йўл қурилиш ҳудудий шўба» ташкилоти директори Абдулқо-ш Шаропов. — Мазкур фойдала-нишга топширилган автомобиль

йўлига асфальт-бетон қоплам ётқизилди ҳамда ҳаракат хавф-сизлигини таъминлаш бораси-да транспорт воситаларини хавф-хатарсиз ҳаракатларини учун 230 километрдан ортиқ йўлларга ётқ қизилди ва 165 доня янги йўл белги-лари ўрнатилди.

Ташкилот томонидан жорий йилда бажарилган иш ҳажмла-рини ўтган 2005 йилга нисбатан таққослаганда, 13 фоиз ўсишга эришилгани аён бўлади.

Суратларда: Марғилон шаҳ-рида олиб борилаётган йўл қурилишидан лавга; ишчилар Анвар Мамадалиев, Элёр Мах-мудов ва Валжон Аҳмедов.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



● Спорт

«СУВ ПАРИСИ» ЯНА ТОШКЕНТДА



раиси Светлана ИНОМОВА — Синхрон сузиш нафис ва жозибадорлиги билан айнан қизларга мос. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда спортнинг ушбу турини ривожлантиришга катта аҳамият берилляпти.

Дарҳақиқат, синхрон сузиш билан шуғулланган қизлар

рацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган VII «Сув париси» халқаро турнири шу кунларда пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув саройида давом этмоқда.

«Сув париси»да илк бор тўлиқ жамоа бўлиб иштирок этяпмиз, — дейди Жиззах вилояти синхрон сузиш федерацияси масъул котиби Анвар Нормуродов. — Халқаро турнирга Пахтакор тумани ҳокимлиги бош хомийлигида жиддий тайёргарлик кўрди. Мураббийларимиз Мария Шишнева ҳамда Файрат Султоновлар нуфузли мусобақага Леля Чернишова, Хуршида Содиқова, Лилия Нагуманова ва Комила Аюпова каби умидли қизларимизни олиб келишган. Уйлайманки, улар ишончимизни оқлашади.


Ҳа, бугунги шуқул кунларда пойтахтимизда аjoyиб спорт байрами ўтказилляпти. Нуфузли халқаро турнир — «Сув париси» яна Тошкентда.

Раъшон ШОДИЕВ
Суратларда: халқаро турнир мусобақаларидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар.

Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири етти йилдирки, кўпда давлат спортчиларини ўзига жалб этиб келмоқда. Илк бор 1999 йилда ташкил этилган мазкур мусобақанинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораёттир. Бу галги баҳсларда Қозғистон, Россия, Таиланд ва Ўзбекистондан юздан зиёд спортчи иштирок этмоқда.

Тошкент сўнгги йилларда халқаро мусобақалар ўтказилган марказга айланиб бормоқда, — деди «Сув париси» турнирининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси



● Акс-садо

КИЙИНГАН ЯЛАНФОЧЛАР

«Ёшларимиз кийиниш маданияти қандай бўлиши кимга, нимага боғлиқ?»
(«Ўзбекистон овози», 2006 йил, 29 июнь)

Кийиниш маданияти.

Мода. Булар бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган тушунчалар. Аслида мода деганларнинг, мода бўлаётган либосларнинг ҳаммаси ҳам кийиниш маданиятига мос тушавермайди, унинг талабларига жавоб беравермайди. Афсуски, кўча-кўйда ярим яланғоч ёки шунга ўхшаш беўхшов

эгнига олмайди.

Шу ўринда яна бир гап. Баъзи ёшларимизни бугун кўрақ қисмига «СССР» деб ёзилган футболчаларни кийиб юришини қандай изохлаш мумкин? Бу нима тарғиботми ёки тушунмовчилик? Четдан мол олиб келаятганларнинг мақсад-муддаоси нима ўзи? Фақат пул топишми?..

тижа кўнгиладигидек, қутилганидек бўлмаслиги мумкин. Чунки, хорижникини кўча-кўйда, ўзимизда намойиш этилаётган клиплар, ўзимизда нашр этилаётган газеталарда тарғиб қилинаётган «модный» либослар ўз «кучини кўрсатади». Бу тарғибот, бу таъсир охири-оқибати кўча-кўйда амалда намойиш бўлаверди. Кўчага чиқмайди-ган одам йўқ. Инчунин ёшлар ҳам остана хатлаб ташқарига ошиқшади. Ва...


Атоқли адилларимиздан бири уруш йилларида эълон қилган мақоласида, ёв келиб аёлларимизнинг сочини кесиб таҳрирлай олмайди, деб ёзган эди. Бунда қаттол амир Насрулло Қўқонни олган, «шак-коклик қилган» Нодирабегимнинг сочини қирқдиргани ҳам баён қилинади. Демак, яқин ўтмишда хотин-қизларнинг сочини қирқиб жазо сифатида қўлланилган.

Буни қарангки, ҳозирги кунда орамизда сочи беўхшов қирқилган қизлар тез-тез учраб турибди. Балки орадан маълум вақт ўтгач, кийиниш бобидаги бугунги ҳолат бошқачароқ баҳоланар, балки замондан орқада қолиш деб ҳисобланар. Яна қайдам.

Хамма дидига (имкониятига) қараб кийинади. Қолаверса, қандай кийиниш ҳар кимнинг хоҳиши, бунга ҳаққи ҳам бор. Таъбир жоиз бўлса, гўзал, ярашқили кийиниш ҳам ўзига оро беришидир. Лекин «шуни хоҳлайман, айтганимдан қолмайман» деб очик-очик кийиниш на замонавийликни, на ўзига оро беришни билдиради. Бу бор-йўғи халиги... нима десам экан?.. Баҳони ҳар кимнинг ўзи берсин.

Кийим-кечак инсоннинг беазаги, унинг юзи ҳисобланади. Шундай экан, аввало, ҳар бир одам қаерга қачон, қандай кийиниб бориши, либос танлашни билиши лозим. Киши шундай кийиниши керакки, токи ундан атрофдагиларнинг энсаси қотмасин, аксинча ҳаваси келсин.

Алижон
АБДУРАҲМОНОВ



кийимларни кийиб, «бу мода» дегувчилар кўпайиб бораёти. Очиғи, хаттоки, баъзан йигитни қўздан, қизни йигитдан фарқлаётган қоласиз.

«Мен қотилман», «Ёмон қизман», «Бор, йўқол», «Мен сени севаман», «Мени ўпгин»... Булар хориждан келтирилган антика майка-футболчалардаги ёзувларнинг маъноси. Бундай футболчаларни эса кўча-кўйда ёшлар пинак бузмай кийиб юришибди. Ё улар ўша беҳаё сўзларнинг маъносини билишмайди ёки билса ҳам парво қилишмайди? Олд томонида «Ҳа», орқа бетида «Йўқ» ёзувлари бор футболчаларни, орқасига «Фаришта» деб ёзилган шимларни кийиб юришдан маъни нима? Ёки буюм мода-ми? Турли бадбашара қиёфалар, ярим яланғоч қизларнинг сурати туширилган футболчаларнинг талабгорлари ҳам талайгина. Бундайларнинг дидига «беш кетасиз». Менимча, ўзини ҳурмат қилган одам бундай бўлмағур кийимларни

сафи йил сайин кенгайиб бораёттир. Бугунги кунга келиб, улар минг нафардан ошиб кетди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика синхрон сузиш феде-

● Футбол

ЎЗБЕКИСТОН — ГОНКОНГ - 2:2

Мамлакатимиз бош терма жамоаси келаси йили бўладиган Осиё чемпионати саралаш учрашувини ўтказди. Кеча Валерий Непомняший шогирдлари ўз гуруҳларидаги Гонконг терма жамоаси футболчиларини қабул қилишди. Маълумки, саралаш баҳслари 22 февралда бошланган. Вакилларимиз биринчи учрашувни ўз майдонларида

ўтказиб, Бангладеш терма жамоасини қабул қилишган ва йирик ҳисоби (5:0) ғалабага эришилган. Қатар майдонида ўтказилган иккинчи учрашувда эса имконият (2:1) бой берилди. Кеча Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги ўйин барчанинг эътиборида бўлди. Қизгин курашлар остида ўтган Ўзбекистон — Гонконг учрашувидан 2:2 ҳисоби қайд қилинди.

● Интер-спорт

КЛИЧКО — МАСКАЕВ ЖАНГИ БЎЛАРМИКАН?

Ўта оғир вазнли боксчи, WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Олег Маскаев Хасим Раҳмон билан жангда муваффақият қозониб, муҳлислар олқишига сазовор бўлган эди. Олег билан IBF йўналишидаги жаҳон чемпиони, украиналик Владимир Кличко жанг қилишга тайёр эканлигини маълум қилди. Владимирнинг менежери Шелли Финкел фикрига қараганда, жанг учун шартномага имзо чекишни атайлаб кечкиртириб, Маскаев — Раҳмон учрашувини натижасини кутган экан. Кличко билан Маскаев жанги эса 11 ноябга мўлжалланмоқда.

«Мен Маскаевга Кличко билан жанг қилишни таклиф қилганим рост, — дейди Финкел. — Лекин унинг рози бўлиш-бўлмаслиги ўзига боғлиқ. Гап шундаки, Олег Раҳмон билан жанг пайтида ўнг қўли бош бармоғини жароҳатлади. Бундан ташқари, бу жангга елкасидаги жароҳати тўлиқ тuzалмай қиришганини ҳам ҳисобга олиш керак. Лекин у Кличко билан бўладиган жангга қизиқиш билан қараётганини яширмаяпти».



Серқуёш Ўзбекистонимизда яшовчи барча миллат вакиллари мамлакатимиз Мустақиллигининг қутлуғ

15 йиллик

байрами билан қизгин ва самимий табриклаймиз.

Шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, мамлакатимизда истиқлол йилларида халқ таълими тизимида мислсиз ўзгаришлар амалга оширилди, ўқитувчи-мураббийлар меҳнати юксак қадр топди. Буни Бухоро вилоятидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган биз ўқитувчилар дилдан эътироф этамиз. Соҳага меҳнати сингган, улуг ва шарафли ишни сидқидилдан бажарётган, ўз-ўзини эл қорига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб муаллимларни яна бир бор энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан табриклаймиз. Уларга мудом омад ёр бўлсин!

Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог ходимлари «Истеъдод» жамияти



BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Allimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona»)
Norbo ShAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAI'BERGENOV
Muslihidin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT
MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT,
MABUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovoz.uzNavbatchi:
Ma'murjon QIYOMOVGazeta «O'zbekiston
ovozini» ning kompyuter
markazida teriladi va
sahifalandi.Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turm ko'chasi, 41-uy.Gazeta O'zbekiston
Matbuot va axborot agentligida
008-raqam bilan
ro'yxatga olingan.Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Gazeta seshanba, payshanba
va shanba kunlari chiqadi.«O'zbekiston ovozi»
materiallarini ko'chirib bosish
faqat tahririyat ruxsati bilan
amalg oshiriladi.

t — 1052

7452 nusxada bosiladi

t — Tuzilgan materialga

O'za yakuni — 22.20

Topshirish vaqti — 22.40

2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda